“ВЕНДИНГ” САВДО ХИЗМАТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ



Тошкент – 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизматлар кўрсатиш соҳасида янги бўлган салқин ичимликларни сотувчи автоматлаштирилган ускунани қўйиш орқали харидни амалга ошириш ҳисобланади.

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари:

Бизнес йўналишини танлаш, ушбу бозор сегментини бизнинг мамлкатимизда нисбатан кам рақобатга эга бозор сифатида тавсифлаш мумкинлиги билан боғлиқ; барқарор ривожланмоқда ҳамда юқори даромадли ҳисобланади.

Бизнеснинг қуйидаги хатарлари мавжуд:

1) Форс-мажор ҳолатлари;

2) Асбоб ускунани синдириш, ўғрилаш ва бошқа турли ҳолатлар бўлиш эҳтимоли;

3) Рақобат кучайганлиги сабабли сотишнинг пасайиши;

Хавфли вазиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш:

1. Форс мажор ҳолатларида турли кўнгилсиз ҳолатлар хусусан бахтсиз воқеалар, техноген ҳамда фавқулотда ҳолатлар юзага келган вақтда давлатнинг ички ва ташки меёрий ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ судлар орқали масалани ечиш;

2. Мазкур ҳолатда жойлаштирилган жойга кузатув камерасини улаш, Миллий гвардия қўриқлаш хизматларига улаш ва бошқалар;

3. Рақобат кучайгани сари янги турдаги хизмат турлари хусусан, хизмат сифатини юқори қилиш, чегирмалар бериш.

Лойиҳа тўғрисида маълумот

Бугунги кунда истеъмолчиларга замонавий савдо автоматлари (вендинг савдоси) орқали туну-кун хизмат кўрсатиш фаолияти ривожланиб бормоқда.

Савдо автоматлари савдоси товарларни механик автоматлар орқали сотишга асосланган бўлиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида одатий иш бўлиб қолган. IHS Technology мутахассисларининг ҳисобича, Японияда ҳар 23, АҚШда ҳар 35, Ғарбий Европада ҳар 110 одамга битта шундай аппарат тўғри келар экан.

Бундан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатишнинг бу йўналиши бугунги кунда оммалашганлиги ва унга талаб катта эканлигидан далолат беради.

Савдо автомати - нақд пул ёки бошқа тўлов воситаларини қабул қилгандан сўнг сотувчининг иштирокисиз товарлар бериш орқали хизмат кўрсатувчи савдо ускунаси (vending machine).

Қоида тариқасида, савдо автоматлари аҳоли кўп тўпланадиган жойларда (*таълим ташкилотлари, шифохоналар, маъмурий бинолар, савдо комплекслари, вокзаллар, аэропортлар, пиёдалар йўли, майдонлар, боғлар ва бошқалар*) жойлаштирилади.

Бу эса ўз навбатида аҳолига кенг қулайликларни яратиш билан бирга, уларнинг вақтни тежашга ҳам ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги "Кўчма савдо фаолиятига замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш ҳамда савдо автомати орқали чакана савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 485-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорларга мувофиқ, савдо автоматлари орқали товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

– савдо автоматларига нисбатан назорат-касса техникаларидан мажбурий фойдаланиш талаби татбиқ этилмайди;

– сотадиган товарлари ва кўрсатадиган хизматлари туридан қатъи назар бундай фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчи деб эътироф этилиши белгиланган.

Савдо автоматлари орқали сотилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари орасида турфа хил чанқоқбосди яхна ичимликлар ва қаҳванинг хилма-хил турлари, ширинликлар ҳамда узоқ муддатгача сақланувчи исталган маҳсулотларни харид қилиш имконияти мавжуд.

Савдо автоматларининг афзалликлари:

– Иссиқ чой, қаҳва ва унинг ҳар хил турлари пойтахтимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларига гигиена талабларига жавоб берадиган бир марталик экологик тоза идишларда тавсия қилинади;

– Ширинлик ва барча таклиф қилинаётган маҳсулотларимиз ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланган ҳарорат ва намликда сақланади, яроқлили муддатини тўғри сақлайди;

– Савдо автоматда инсон омили (сотувчи) бўлмайди, харидор эса ўзи танлаган маҳсулот ёки буюртма берган ичимликни автомат тугмасини босган ҳолда тез муддатда харид қилиш имконига эга;

– Кичик савдо майдони. Биргина автоматни ўрнатиш учун ўртача ҳажмда 1-1,5 квадрат метр майдонли жой керак бўлади;

– Автомат 24 соат давомида, дам олиш кунлари ва байрамларда ҳам ишлайди. Масалан, сизни тунда мазали ширинликлар, ичимлик суви ёки иссиққина қаҳва сотиб олишингизга тўғри келди. Савдо автоматлари ёрдамида исталган маҳсулотни ярим тунда ҳам харид қилиш имконига эгасиз.

Савдо автоматлари орқали кўчма савдони ташкил этиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги ПҚ-5136-сонли қарорига асосан савдо (вендинг) автомати орқали савдо қилиш учун тадбиркор:

- уни "K-SAVDO" автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиши (рўйхатдан ўтказиш бепул);

- савдо автоматини жойлаштириш учун худди шу электрон тизимда аукцион орқали жой сотиб олиши керак.

Жойлаштириш ўрнининг бошланғич нархи тегишли туман (шаҳар)даги ер участкасининг ер солиғи миқдорида белгиланади.

Аукцион ғолиби томонидан кўчма савдо жойининг қиймати тўлиқ тўланганидан сўнг унга "K - SAVDO" ААТ орқали автоматик равишда QR-код қўйилган гувоҳнома берилади.

У мазкур жойдан 36 ой муддатга фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Савдо жойидан фойдаланиш бўйича шартнома тузиш талаб этилмайди.

Агар шунчаки савдо автоматини рўйхатдан ўтказмасдан ўрнатиб қўйса, нима бўлади?

Савдо автоматларидан фойдаланувчи юридик шахслар, улар томонидан реализация қилинаётган ва (ёки) кўрсатилаётган хизматлар туридан қатъи назар, чакана савдо субъектлари ҳисобланади.

Тизимда рўйхатдан ўтказилмаган кўчма савдо объектини аниқлаган ҳолда биринчи марта солиқ органлари ходимлари шунчаки тушунтириш ишларини олиб боради ҳамда зарурат бўлганда рўйхатдан ўтказиш бўйича ёрдам кўрсатади.

Такрорий ҳуқуқбузарликлар, афтидан, чакана савдо қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади.

Қачон аукцион зарур эмас

Аукцион тўғрисидаги талаб хусусий мулкдорларга тегишли бўлмаган потенциал савдо жойига татбиқ этилади.

Яъни, мисол учун, агар сизда хусусий бино мавжуд бўлса ёки уни ижарага олган бўлсангиз, ўз ходимларингиз ва мижозлар учун ичимликлар билан савдо автоматини йўлга қўйишга қарор қилган бўлсангиз, бундай савдо жойини аукцион орқали ўтказиш шарт эмас.

Савдо автоматини эса рўйхатдан ўтказишга тўғри келади.

Агар ҳамкорингиз сизнинг жойингизда ўз автоматини қўйишни хоҳласа ҳам - худди шундай. Аукцион шарт эмас, рўйхатдан ўтказиш зарур.

Фаолиятни рўйхатдан ўтказиш

“Давлат Хизматлари Маркази” томонидан тадбиркорлик фаолияти ЯТТ сифатида расмийлаштирилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати

минг сўмда

Номи	Ўз маблағи	Кредит маблағи	Жами
Савдо автомати *Necta Snakky Max*	18 000	50.000	68.000
Савдо автомати *Necta Kikko Max*	18 000	50.000	68.000
Ижара тўловлари	25 000	0,00	25 000
Бошқа харажатлар	2 000	0,00	2 000
Жами:	**63 000**	**100 000**	**163 000**
Улуши	**39%**	**61%**	**100%**

Фаолиятни амалга ошириш жойи

Савдо автоматини аҳоли кўп тўпланадиган жойларда, масалан таълим ташкилотлари, шифохоналар, маъмурий бинолар, савдо комплекслари, вокзаллар, аэропортлар, пиёдалар йўли, майдон ва боғларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг лойиҳамиздаги 2 та савдо автомат учун 3-3,5 квадрат метр майдонли жой керак.

Савдо автоматлари муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли ҳудудда ўрнатилганда, савдо автоматлари фаолияти учун зарур бўлган электр энергияси харажатларини қоплаш ва бошқа масалалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган шартномада белгилаб қўйилади.

Савдо автомати орқали таклиф этиладиган маҳсулоталар

- *озиқ-овқат маҳсулотлари;*
- *салқин ичимликлар;*
- *қайноқ кофе.*

	Маҳсулотларнинг бир киши учун ўртача нархи	
	Озиқ-овқат маҳсулотлари	15 000 сўм
	Салқин ичимликлар	10 000 сўм
	Кофе	5 000 сўм
Жами		**30 000 сўм**

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, офис бинолари, таълим муассасалари, йирик савдо марказлари ҳамда шунга ўхшаш аҳоли гавжум бўлган жойларга ўрнатилган савдо автоматларидан 1 кунда ўртача 20 та мижоз озиқ-овқат маҳсулотлари, 40 та мижоз салқин ичимликлар ва 10 та мижоз қайноқ кофе харид қилади.

Хизмат кўрсатиш режаси

№	Маҳсулот номи	Ўл. бир.	1 кунда сотиладиган ўртача маҳсулот	1 ойда сотиладиган ўртача маҳсулот	1 йилда сотиладиган ўртача маҳсулот
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Минг сўм	300	9 000	108 000
2	Яхна ичимликлар	Минг сўм	400	12 000	144 000
3	Кофе	Минг сўм	50	1 500	18 000
Жами			**750**	**22 500**	**270 000**

Кредит маблағларини қайтариш

(минг сўмда

Номланиши	2023	2024	2025	2026	2027
Асосий тўлов	0	25 000	25 000	25 000	25 000
Фоиз	21 000	17 800	15 750	10 500	5 250
Жами	**21 000**	**42 800**	**40 750**	**35 000**	**30 250**

Хизмат кўрсатиш харажатлари

№	Маҳсулот номи	Ўл. бир.	1 кунда сотиладиган ўртача маҳсулот	1 ойда сотиладиган ўртача маҳсулот	1 йилда сотиладиган ўртача маҳсулот
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари	минг сўм	120	3 600	43 200

2	Яхна ичимликлар	минг сўм	250	7 500	90 000
3	Кофе	минг сўм	40	1 200	14 400
4	Кредит тўлови	минг сўм	117	3 500	42 000
5	Бошқа харажат	минг сўм	33	1 000	12 000
6	Солиқ тўлови	минг сўм	120	750	9 000
Жами			**680**	**17 550**	**210 600**

Рентабиллик даражаси

Соф тушум ва соф фойда

минг сўмда

Номланиши	**1- йил**	**2- йил**	**3-йил**	**4-йил**	**5-йил**
Савдодан тушган тушум	270 000	270 000	270 000	270 000	270 000
Маҳсулот сотиб олиш харажатлари	147 600	147 600	147 600	147 600	147 600
Бошқа ҳаражатлар	12 000	12 000	12 000	12 000	12 000
Кредит тўловлари	21 000	42 800	40 750	35 000	30 250
Солиқга қадар тушган даромад	89 400	67 600	69 650	75 400	80 150
Қатъий солиқ	9 000	9 000	9 000	9 000	9 000
Сой фойда	**80 400**	**58 600**	**60 650**	**66 400**	**71 150**